

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Наманган шаҳри

2023 йил 21 декабрь

Наманган туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Тўраевнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили Ш.Олимжанов (ишончнома асосида), жавобгар раҳбари О.Жаббаров иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси АТБ «А» манфаатида жавобгар – «Б» фермер хўжалиги ҳисобидан жами 2589920572 сўм кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни қўшимча жавобгар «С» фермер хўжалигига қарашли гаров мулкларига қаратиш ҳақидаги даъвоси аризасини суд биносида, очиқ суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси АТБ «А» манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – «Б» фермер хўжалиги ҳисобидан 111249999 сўм муддати ўтган асосий қарз, 134920572 сўм фоиз, 2343750001 сўм муддати келмаган асосий қарз жами 2589920572 сўм ундириш ва ундирувни «С» фермер хўжалигига қарашли гаров мулкларига қаратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили тушунтириш бериб, жавобгар томонидан қарздорлик ўз вақтида тўланмай келаётганлигини, даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг қисман тўловлар амалга оширилганлигини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар раҳбари қарздорлик ҳақиқатда мавжудлигини, уни тез кунларда бартараф этилишини билдириб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Қўшимча жавобгар белгиланган тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлсада, у вакил иштирокини таъминламади ҳамда даъво талаблари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Шу асосда, суд мазкур ишни қўшимча жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд тарафлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ва қўшимча тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги



асосларга кўра, даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топди:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2022 йил 18 июлда тузилган 34-сонли кредит шартномасига асосан жавобгарга кредитдан фойдаланганлик учун йиллик 22 фоиз устама хаки тулаш шarti билан 60 ой муддатга, чорвачилик фаолиятини ривожлантириш учун 2500000000 сўм кредит маблағлари ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 736-моддасининг иккинчи қисмида белгиланишича, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Даъвогар вакили тақдим этган ҳужжатларга кўра, 2023 йил 21 декабрь ҳолатига 155816665 сўм муддати ўтган асосий қарз, 124920310 сўм фоиз кредит қарздорлиги мавжуд бўлиб, бугунги кунга қадар қарздорлик тўланмаган.

Мазкур ҳолатда, даъвонинг 155816665 сўм муддати ўтган асосий қарз, 124920310 сўм фоиз, 2239583335 сўм муддати келмаган асосий қарз, жами 2520320310 сўм кредит қарздорлигини ундириш талаби асосли ҳисобланади.

Шунингдек, даъво аризасида қарздорликни ундирувини гаров мулкига қаратишни сўралган.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Бироқ, даъвогар банк томонидан қўшимча жавобгар “С” фермер хўжалигининг мулкларига гаровга қўйилганлиги ҳақидаги гаров шартномаси тақдим этилмади.

Юқоридагиларга кўра, даъво аризасини қисман қаноатлантириш, жавобгар ҳисобидан даъвогар банк фойдасига 155816665 сўм муддати ўтган асосий қарз, 124920310 сўм фоиз, 2239583335 сўм муддати келмаган асосий қарз, жами 2520320310 сўм кредит қарздорлигини ундириш ва 33000 сўм почта ҳаражати ундириш, ундирувни гаров мулкларига қаратиш, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш, вобгар ҳисобидан Республика бюджетига 51798411,4 сўм давлат божи қилиш лозим бўлади.



Баён этилганларга кўра ҳамда ИПКнинг 112, 118, 170, 176-179-  
моддаларини қўллаб, суд

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар АТБ «А» фойдасига жавобгар – «Б» фермер хўжалиги ҳисобидан 155816665 сўм муддати ўтган асосий қарз, 124920310 сўм фоиз, 2239583335 сўм муддати келмаган асосий қарз, 2520320310 сўм кредит қарздорлиги ундирилсин.

*Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.*

Жавобгар «Б» фермер хўжалиги ҳисобидан 51798411,4 сўм давлат божи Республика бюджетига ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилсин.

*Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида Наманган вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.*

**Раислик этувчи**

**А.Каримов**

